

БИРИНЧИ ФУТБОЛ ШАРҲЛОВЧИСИ



3



5

ҚОН БОСИМИ НЕГА ОШАДИ?



6

БОЛАГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!



8

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ сурат-лавҳаси.

Мутолаа завқи



“Оила ва жамият” газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, севимли газетангизга йил бўйи обуна бўлишингиз мумкин.



Индекс — 176

ҲИКМАТ

Фарзандларингизнинг уятчан бўлиши уларнинг келажакда яхши феъл-атворли бўлишидан хуш-хабардир.

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ.

ГУЛЛАР ШАҲРИ СПОРТ БАЙРАМИГА ШАЙ

«БАРКАМОЛ АВЛОД – 2014»

«Ўлка тарихига бир назар», «Кувнок ёшлар давраси», «Табиатни асраймиз» деб номланган тадбирлар бўлиб ўтади. Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида «Йиғлама қиз» номли театр томошаси қўйилади.

Тадбирларда вилоятимиз ҳамда пойтахтдан таклиф этилган бадий жамоалар, санъаткорлар, киноактёрлар, спортчилар, шоир ва ёзувчилар иштирок этади.

Мусобақа кунлари иштирокчилар жойлаштирилган талабалар ётоқхоналари ҳовлисида ҳам маданий-маърифий тадбирлар давом этади. Бу тадбирлар «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур», «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди!», «Ватан мадҳи» деб номланган. Иштирокчилар ўз навбатида Наманган шаҳридаги «Истиқлол» диван корхонаси фаолияти билан ҳам яқиндан таништирилади.

Спорт байрами нафақат Наманган шаҳри, балки вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида кўтаринки руҳда нишонланади. Белгиланган жадвал асосида таниқли санъаткорлар шаҳар ва туманларда бўлиб, ёшлар билан ижодий учрашувлар ўтказишади, концерт дастурлари намойиш этилади.

Бир сўз билан айтганда, «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақалари номига муносиб тарзда баркамол авлоднинг куч-маҳорати, ақлий қобилиятини ўзида мужассам этган, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, Ватанга муҳаббат ва садоқат, соғлом ва ёруғ келажак сари интилиш туйғуларининг намойишига айланган чинакам спорт байрамига айланади!

«Оила ва жамият» мухбири
Шахло ТОШБЕКОВА
ёзиб олди.

Наманган истиқлол йилларида ўзгача қиёфа касб этди. Замонавий кўринишда қад ростлаган биналар, турар жойлар, равон йўллар, гулзорлар, озодалик ва ободлик кўнгилларни яшнатади. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг нуфузли спорт байрами – «Баркамол авлод – 2014» мусобақаларининг республика босқичи Наманган вилоятида бўлиб ўтади. 28 майда бошланадиган навбатдаги спорт байрамини юқори савияда ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Бу ҳақда ишчи гуруҳи раҳбари, Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари Манзураҳон Азизова шундай дейди:

— «Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларининг вилоятимизда ўтказилиши зиммамизга катта масъулият юклайди. Беллашувларнинг юқори савияда ўтиши, иштирокчи ва ташриф буюрган меҳмонларда яхши таассурот қолиши биз учун ниҳоятда муҳим. Мусобақа иштирокчилари – спортчилар ва мураббийлар, ОАВ ходимлари ва спорт федерацияси вакиллари учун барча жойлар ҳозирлаб қўйилган. Барча турар жойларда қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Икки ва уч ўринли хоналар замон талабларига мос жиҳозланди, яшаш ва дам олиш учун барча шартшароитлар яратилди. Ётоқхонага жойлаштирилган ҳар бир иштирокчи, аниқроқ қилиб айтганда, 2419 нафар иштирокчи учун алоҳида 14 турдаги янги ётоқхона жиҳозлари

билан тайёрлаб қўйилди.

«Баркамол авлод – 2014» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими «Навбахор» марказий ўйингоҳида бўлиб ўтади. Шундан сўнг мусобақаларни ўтказишга старт берилади.

Спорт мусобақалари давомида маънавий-маърифий тадбирлар ҳам ўтказилади. Жумладан, талабалар турар жойларидаги «Маънави-



ят ва маърифат» хоналарида «Мустақиллик арафасида ёхуд шўроларнинг сўнгги талвасаси», «Шахмат тождори», «Баркамол авлод – келажак таянчи», «Тубанлик», «Тақдирлар», «Матонат», «Бахт уйи», «Сехрли қалпоқча», «Ўргимчак тўри» номли ҳужжатли ва бадий фильмлар намойиш этилади.

Шунингдек, Захириддин Мухаммад Бобур номли маданият ва истироҳат боғининг «Наврўз» сахнаси ва «Наво» амфитеатри, вилоят Ўлкани ўрганиш музейи, «Камолот» ёшлар маданият ва истироҳат боғи, «Кичкинтой» болалар боғида «Баркамол авлод – келажак пойдевори»,

«Оила ва жамият» мухбири
Шахло ТОШБЕКОВА
ёзиб олди.

Танлов

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилган «Энг намунали оила» республика кўрик-танлови голибларини тақдирлашга бағишланган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида голибликка сазовор бўлган оилалар қатнашди.

Танлов якунига кўра, Нукус шаҳридаги 7-«Шоирлар овули» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Буркит Пиязов оиласи, Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги «Хофдорён» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Мақсуд Норов оиласи, Фарғона вилояти Бёширик туманидаги «Тошарик» маҳалла фуқаролар йиғини худудида яшовчи Муроджон Юсупов оиласи фахрли биринчи ўринга муносиб деб топилди. Шунингдек, ўндан ортиқ номинациялар бўйича ҳам голиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

Саховат

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ САФАРДА

Мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида яшаётган аёллар ва болаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг тиббий саводхонлигини ошириш ҳамда меҳр-муруват ҳаракатини ривожлантириш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ҳамкорлигида ташкиллаштирилган «Саломатлик» поезде 17 май кuni Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси учун Тошкент – Сарийосиё – Қумқўрғон – Бойсун – Оқработ – Дехқонobod – Тошкент йўналишида йўлга чиқди.

Навбатдаги хайрия акцияси давомида юқори маънавият шифокорлар гуруҳи билан биргаликда фонднинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ходимлари ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, аҳолига ва даволаш профилактика муассасаларига озиқ-овқат маҳсулотлари, оёқ кийимлари, дори-дармон ва тиббий анжомлари, санитария-гигиена воситалари ва бошқа шу қабилардан иборат хайрия ёрдамлари етказилади.

Шунингдек, «Соғлом авлод учун» фонди томонидан Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоят худудий филиалларининг автомабулан машинаси орқали мазкур худудлардаги барча «Мурувват», «Меҳрибонлик» ва «Саховат» уйлари, марказий шифохоналар, вилоят болалар туғуруқ комплекслари ҳамда маҳсус болалар мактаб-интернатларига ўз мурувват ёрдамини кўрсатиш ва аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи учрашувларни ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Эъоззон КОЗИМОВА

Тадбир

МУНОСИБ ТУҲФА

15 май – Халқаро оила кунига пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани ФХДЁ бўлими янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Никоҳланувчи ёшларни оилага тайёрлаш ва никоҳдан ўтказиш борасида худудларда янги қурилган замонавий иншоотларнинг фойдаланишга топширилаётганлиги юридик хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш имконларини кенгайтирмоқда.

Шу маънода Шайхонтохур туман ФХДЁ бўлими янги биносининг очилиши туман аҳолиси, айниқса ёшларимиз учун Соғлом, бола йилида муносиб совға бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси, адлия бошқармаси, Шайхонтохур туман ҳокимлиги ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида юртимизда оила институтини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Адлия вазирилиги тизимида кирувчи ФХДЁ органларининг 2013-2014 йиллар учун моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастурга асосан фойдаланишга топширилган ушбу бино замонавий архитектура меъморчилигига хос, шинам ва ҳар томонлама қулай бўлиб, бу ерга ташриф буюрадиган аҳоли учун ташкил қилинган тантанали маросимлар зали, она ва бола, ҳужжатларни сақлаш ҳамда хизмат кўрсатиш хоналари иштирокчиларда катта таассурот уйғотди.

— Республикаимиз миқёсида жорий йилнинг I чорагида 54 мингдан ортиқ, хусусан, Тошкент шаҳрида 3 мингга янги никоҳ қайд этилганлиги юртимизда оиланинг юксак кадрланиши, унинг тобора тақомиллашиб бораётганини ҳам англатади, — деди Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи Абдураҳмон Сафоев. — Ёшларни оилага тайёрлаш мақсадида ФХДЁ бўлимлари ҳамда Никоҳ уйлари қошида «Ёш оила қурувчилар» мактаби фаолияти йўлга қўйилган. Унда олиб борилаётган машғулот ва тадбирлар оила қуриш истигадиги ёшларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Тадбир давомида 50 йил бирга умргузаронлик қилиб, ибратли ҳаёт кечирётган фахрийларнинг «Олтин тўй» маросимлари ўтказилиб, ёруғ орзу-мақсадлар билан оилавий ҳаётга қадам қўётган ёшларнинг янги никоҳлари қайд этилди. «Ғунча» дастасининг кичик санъатсеварлари ва ёш ҳаваскорларнинг бадий чизиқлари тадбирга янада файз бағишлади.

Дилором МАТКАРИМОВА,
«Оила ва жамият» мухбири.

Шунингдек, Пискент туманидаги Метан маҳалласида ҳам туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида 15 май — Халқаро оила кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. «Оиламиз — мустаҳкам кўрғон» мавзусидаги ушбу тадбир доирасида маҳалладаги бешта намунали оилалар ўртасида беллашув ташкил этилиб, унда голиб бўлган қайнона ва келинлар «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамда хомийлар томонидан совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

Qishloq Qurilish Bank *Банк ва миждоз*

ФАОЛИЯТИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Ёшлигимдан ўз бизнесимга эга бўлишни ҳамда янги махсулотлар ишлаб чиқаришни орзу қилардим. Истиқлол шарофати билан бугун мен ҳам тадбиркорлар сафида астойдил меҳнат қилаялман.

2012 йилда ташкил этилган "Когон Фер Ҳилол" масъулияти чекланган жамиятимиз бугунги кунда гўшт ва сут махсулотларини қайта ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб келмоқда.

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тадбиркорлар учун кенг имконлар яратилган. Жамиятимиз ташкил этилгандан буён ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Когон филиалининг доимий миждозимиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ва кўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида банк филиалига бизнес режамиз билан мурожаат қилдик. Аризамиз қисқа муддатда ўрганиб чиқилди ва 2013 йил февраль ойида 30 миллион сўм миқдоридан ҳамда 2014 йил март ойида кўшимча равишда колбаса ишлаб чиқариш техникасини сотиб олиш учун 150 миллион сўм кредит ажратилди. Ушбу кредит маблағи ва олиб келиб ўрнатилган замонавий техника туфайли ишимиз янада самарали бўлиб, махсулотлари-


мизга аҳоли орасида талаб ортди. Табиийки, корхонамизда ишлаб чиқариш ҳам ўсиб бормоқда. Буни жамиятимиз 2013 йилни 73,1 миллион сўм соф фойда билан яқунлаганида ҳам яққол кўриш мумкин. Кредит маблағи ҳисобига жами 7 та янги иш ўрни яратишга эришган бўлсак, шундан 2 нафари коллеж битирувчиси эканлиги қувонарлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳозирда корхонамиз нафақат туманимизда, балки вилоят миқёсида ҳам ўз миждозларига эга.

Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш, айниқса, янги турдаги махсулотлар тайёрлаш, аҳолининг гўшт ва сут махсулотларига бўлган эҳтиёжини янада қондиришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйганмиз.

Ф. Қўлдошев,
Бухоро вилояти Когон шаҳар
"Когон Фер Ҳилол" масъулияти чекланган жамият раҳбари.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

 *Диққат, танлов!*

“ЯНГИ НИГОҲ”

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектуризм” Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, “Олтин мерос” халқро хайрия жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда “Янги нигоҳ” видеороликлар танловини эълон қилди.

ТАНЛОВНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Ўзбекистонда ёшлар туризмни ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, медиамахсулотларнинг кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишдан иборат.

ТАНЛОВ НОМИНАЦИЯЛАРИ:

- “Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик”;
- “Ўзбекистоннинг экотуризм салоҳиятини намоён этган энг яхши видеоролик”;
- “Миллий қадрият ва урф-одатларни тарғиб этишга қаратилган энг яхши видеоролик”;
- “Видеоролик сценарийси учун энг яхши гоя”;
- “Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари тўғрисидаги энг яхши видеоролик”.


ТАНЛОВ ҚУЙИДАГИ БОСКИЧЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ:

- Ижодий ишларни қабул қилиш — 2014 йилнинг 1 октябрга.
- Фолибларни аниқлаш ва тақдирлаш маросимини ташкил этиш — 2014 йилнинг 15 ноябрга.
- Танловда таълим муассасаларининг ўқувчи ва талабалари, ижодий бирлашмалар, марказ ҳамда клублар аъзолари, профессионал журналистлар, видеомахсулотлар яратиш билан шуғулланувчи мутахассислар иштирок этиши мумкин.
- Ижодий ишлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман (шаҳар), вилоят кенгашларида қабул қилинади.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ

www.kamolot.uz сайти ва (8 371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамларидан олишингиз мумкин.

ШАРҚ ФАЛСАФАСИНИНГ СЎНМАС ЗИЁСИ

 *Тафаккур хазинаси*

Фалсафа факультети ўтган асрнинг 60-йилларида аввалига бўлим сифатида фаолиятни бошлаган эди. Уша пайтларда фалсафа фани деярли барча олий ўқув юрларида ўқитилар, улар учун малакали мутахассислар тайёрлаш вазифаси Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг фалсафа кафедраси зиммасида эди. 1962 йилдан профессор Абдулла Аюбов раҳбарлик қилган мазкур кафедрада 30 нафарга яқин ходим фаолият кўрсатарди. Аслида ўз ўқув юртимизда фалсафа бўлимини ташкил этиш ҳам осон кечмаган. Бунинг давр билан боғлиқ зиддиятли ва мураккаб томонлари бўлган. Аввало, малакали ўқитувчилар ҳамда янги ўқув дастурлари, адабиётлар, қўлланма ва дарсликларга эҳтиёж катта эди. Ниҳоят, 1979 йилда узок баҳс-мунозаралардан кейингина фалсафа бўлими алоҳида факультетга айлантирилди.

Мустақиллик шарофати туфайли юртимизда фалсафа фанини буткул янгича мазмун-моҳиятда, чинакамига ривожлантириш учун катта имкониятлар вужудга келди. Факультет жамоаси ушбу фани ўқитишга доир дастур ва дарсликларнинг янги авлодини яратишга киришди. Президентимиз раҳнамолигида қайта тикланган миллий-маънавий маданиятимиз тарихига, аждодларимизнинг юксак тафаккур хазинасига таяниб иш олиб борган олимларимиз қисқа фурсатда самарали натижаларга эришдилар. Фалсафа тарихи, фан методологияси, диншунослик, маънавият асослари, социология жабҳаларида миллий қадриятларимиз, меросимиз, маданиятимизга суянган, Шарқ фалсафасига уйғун дастурлар тайёрланиб, адабиётлар чоп этилди, ислом дини қадриятлари, ислом фалсафасининг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини тадқиқ этишга эътибор қаратилди.

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ, нафақат мактаб, академик лицей, коллежлар, олий ўқув юрлари, балки олий таълимдан кейинги таълимда юксак малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан фалсафа факультетида ихтисослашган илмий кенгаш тузилди. Иқтидорли талабаларни илмий изланишларга жалб қилиш орқали фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш имконияти юзга келди.

Эслайлик, истибод даврида миллий меросни ўрганиш, миллий қадриятларни тадқиқ этишга руҳсат этилмас, маданиятимиз дурдоналарини қайта тиклаш ёки уларни шарҳлашга мутлақо йўл қўйилмасди. Бу ишга ҳаракат қилиб кўрган зиёлилар таъқиб остига олинарди. Истиқлол туфайли маънавий меросимизни, маданиятимизни тиклаш асосида янги тадқиқотлар ўтказишга, бу

билан фуқаролик жамиятини қуришда олимларимиз ўз ҳиссасини кўшишига кенг йўл очилди. Бу борада қатор янги адабиётлар, монографиялар яратилди. Ҳозирги кунда факультетимизда ўнга яқин кафедра мавжуд бўлиб, 128 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар талабаларга сабоқ беришмоқда, улар орасида академик, фан докторлари, фан номзодлари бор.

Эндиликда фалсафа қанот ёзиб, Шарқ ва Ғарб ҳикмат дунёсини қиёсий тадқиқ этмоқда. Билимли, изланувчан ёш файласуфлар сафи кенгаймоқда. Албатта, дунё бўйлаб глобаллашув жараёнлари тез кечётган бугунги давр файласуфларимиз олдида ҳам янги ҳаётий вазифаларни қўймоқда, демак, бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Илм-фан тараққиётига юксак эътибор қаратилган мамлакатимизда буюк аждодларимиз зақоси туфайли ўз мустаҳкам тарихий илдиэларига эга бўлган фалсафа фани ҳам ўз ютуқлари билан жамиятимиз раванқига ҳисса қўшаверади.

Анвар АБДУСАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, республика тоифасидаги футбол ҳаками Ахбор Имомхўжаевни кўпчилик ўзбек футбол тарихининг билимдони сифатида яхши билади. Бу йил 78 баҳорни қарши олган Ахбор акага ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. Биринчи футбол шарҳловчиси, "Пахтакор — 79" жамоаси билан боғлиқ бой хотиралар тарғиботчиси, ажойиб оиланинг оқил ва одил устун, бир этак невараларнинг сеvimли босиб ва ...

БИРИНЧИ ФУТБОЛ ШАРҲЛОВЧИСИ



— Ахбор ака, хуллас, сизни спорт мухлислари, қолаверса, газетамиз ўқувчиларига яқиндан таништириш кўпма шарт эмас. Жуда кўп одамлардан эшитганмиз, Ахбор Имомхўжаевнинг бошқалардан фарқи, у киши ўз шарҳларида ўйин жараёнидаги ҳар бир вазиятни топқирлик билан содда, раvon тилда тушунарли қилиб ифодалади беради. Айтинг-чи, қандай қилиб нотиклик санъатини бу қадар пухта эгалладингиз?

— Бунинг тарихи олис болалигимга бориб тақалади. Ўша кезларда юртда қийинчилик, уруш йиллари эди. 1944 йилда 1-синфга борганман. Ота-онам — Рустамхўжа Имомхўжаев, ва Хайрихон Тўраева (охиратлари обод бўлсин) араб ёзувида хат-савод чиқаришгани учун қирилл ёзувини яхши билишмасди. Уэлари қийнашлигани учунми, мендан мактабда фақат аъло баҳоларга ўқишимни талаб қилишарди. Бир гал, болалик қилиб, Эркин Яминов деган тенгдошим билан мактабга бормай, томга чиқиб, роса варрак учирганмиз, мириқиб ўйнаганмиз. Бу воқеадан хабар топган дадамнинг жадли чиқиб кетган ва аяб ўтирмай, роса калтаклаган. Сўнг мактабга етаклаб бориб, биринчи устозим Мехрихон Расулованинг қўлига топширган. Шундан кейин бирор марта дарсини қолдирмадим.

Истеъдодсиз болалар бўлмайди, фақат улар яхши устознинг қўлига тушишлари керак, деган гапнинг нақадар ҳақ эканига мен ўз ҳаётим мисолида кўп бор амин бўлганман. 8-синфда ўқиган кезларимиз институтни эндигина битирган Осий Шокирова исмли ўқитувчи тарих фанидан дарс бера бошлади. У биринчи дарсининг ўзидаёқ билимдонлиги, нутқи, тилининг

равонлиги билан бизни мафтун этиб қўйган. Ўз устимизда ишлаш, янгиликларга интилимизга биринчи бўлиб мана шу Осий опамиз туртки берганлар. Бундан ташқари мен жуда билимли ва яхши география ва рус тили ўқитувчиларининг сабогини олганман. Уларнинг топшириқларини бажариш учун кутубхоналардан энг ноёб китобларни топиб ўқишга интилардим. Устоз билимли бўлса, ҳар қандай болани ўз соҳасига қизиқтира олади. Кейинчалик Ўзбекистонда дикторлик мактабини яратган устозлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Туйғуной Юнусхўжаева ҳамда радиосохандон Қаҳҳор Орифжоновдан нотиклик сирларини ўргандим.

— Ўша кезларда иш жараёни ва шарҳловчилар учун яратилган шароитлар қандай эди?

— 1956 йилда "Пахтакор"нинг ўйинларини шарҳлаш учун танлов ўтказилди. Танловнинг рус гуруҳида Роман Турпишев, ўзбек гуруҳида мен голиб бўлдим. "Пахтакор" стадиони ҳам ўша пайтда куриб битказилганди. Одамлар футболга шу қадар меҳр қўйишгандики, ҳар бир ўйинга 60 мингдан ҳам одам тушмасди. Репортажларимиз аввалга радио, 1961 йилдан кейин эса телевидение орқали ҳам берилла бошланди. Тўғридан-тўғри репортаж олиб борардик. Ҳар бир ўйин олдидан газета ва журналларни титқилаб, спортчилар ҳақида кўпроқ манбалар қидириб топардик. Иш жараёнида Роман Турпишев иккимиз бир-биримизни сўзсиз тушунардик. Гоҳида совуқ хоналарда ўтириб, репортаж олиб боришимизга тўғри келса, гоҳида иссиқ ва дим хонадан туриб футболни шарҳлардик.

"Пахтакор" жамоаси билан сафарларга борган пайтларимиз ҳар доим ҳам биз учун яхши шароитлар яратиб беришармасди. Сафимиз Файзулла Баходиров (кейинчалик тиббиёт фанлари доктори бўлди), Виктор Левин, Раҳмонкул Болтаев, Валерий Машеев каби шарҳловчилар билан кенгайиб боравердик.

Бугун шарҳловчиларга яратилган имкониятларни қаранг. Одамнинг маза қилиб ишлагиси келади. Алоҳида "Спорт" телеканали ва кўплаб спорт журналистлари мухлислар хизматида. Эндиликда спортнинг барча турлари бўйича билимдон шарҳловчиларимиз бор.

Юртимиз шарафини улуғлаётган жаҳон ва Олимпиада чемпионлари, халқаро турнирлар голибларининг муваффақиятлари барчамизнинг кўнглимизни гурур-ифтихорга тўлдирмоқда. Уларга чин маънода ҳавасим келади.

— Сиз нафақат футболнинг, балки санъат ва адабиётнинг ҳам чин ихлосманди эканингизни кўп бора эшитганмиз...

— Болалигимданок китобларга меҳрим баланд эди. Улуғ сўз санъаткори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек асарларини такрор ва такрор ўқийман. Унинг сўз танлаш санъатига қойил қоламан. Зулфия, Хамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳорларнинг ҳам қанчалар китобларини берилиб мутолаа қилганман ва ҳозир ҳам энг сеvimли машғулотим — мутолаа.

Опера санъати эса мени ёшлигимдан ўзига мафтун этган. Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида намоёиш этилган операларнинг бирортасини қолдирмай кўрардим. Ўзбекистон халқ артисти Халимаҳоним Носирова ижросидаги арияларнинг жаранги халигача кулоғим остидан кетмайди. Мустақиллик йилларида эса Ўзбекистон халқ артисти Муюсар Раззоқова жаҳон сахналаридаги бе-



Гурунғ

такрор ижроси билан юртимизда бу санъат қанчалар ривожланганини яна бир қарра дунёга намоёиш этди.

Аёлим Фарихахонни (Оллоҳ раҳмат қилсин) 20 кунлик келин-чаклик пайтида операга олиб тушганман ва у ҳам бу санъатга фоят меҳр қўйган эди...

— Ўзингиз гап очганингиз яхши бўлди, у киши билан кечган умрингиз, ёруғ хотиралар ва оилангиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— 1958 йилда тўйимиз бўлган эди. Фарихахон келин бўлгач, аёллар педагогика техникумида, сўнг педагогика институтида тахсил олди. Беш нафар фарзандимиз бор. Маликаҳон, Мадинаҳон, Абборжон, Олияҳон ва Зафаржонларнинг барчаси ҳаётда ўз ўринларини топишди. Бугун Оллоҳга минг қатла шукр, ўн беш нафар неварара, саккиз нафар чеваранинг бахтли бобосиман!

Сўхбатимиз шу ерда бироз узилиб қолди. "Оиламиздаги мухит ва Фарихахон ҳақида яхшиси, қизларим гапириб бергани маъқул", деди Ахбор ака ҳорғин хўрсиниб.

Малика Зокирова, қизи:

— Болалигимдан насихат эшитиб катта бўлганмиз. Ҳафтанинг ҳар жума кунини уйимизда тарбиявий соат ўтказиларди. Дадам ҳаммамизнинг папамиздан тортиб, китоб-дафтарларимизгача текшириб, катта бир дафтарга ҳар биримиз учун алоҳида баҳо кўярдилар. Бизни уришмасалар ҳам ҳайкиб турардик. Дафтарга камчилигимизнинг ёзилиши биз учун энг катта жазо эди. Ана шу танбехлар бизга бир умрлик сабоқ бўлган.

Мадина Усмонова, қизи:

— Онам ҳеч қачон, дадангизларни уради, сўқади, деманганлар. Лекин ҳаммиса "Адангизни эҳтиёт қил, саломатлигига қара, авайла", деб ўқитиб турардилар. Бизга: "Доим очиқ чеҳрали бўл, кулиб юргин, болаларинг олдига отасини обрўсиз қилма. Бировга уйингдаги сирни айтма. Қийинчиликларни ҳам кулиб енгинлар", дердилар. Келинларимиз Саидаҳон, Шаҳнозаҳоннинг онамизга меҳрибонлигини кўриб ҳавасимиз келарди. "Дуо қилинг, бизга ҳам шундай келинлар учрасин", десак: "Бунинг учун сен мендай қайнона бўлишинг керак", дердилар кулиб. Чиндан ҳам ўша пайтдаги ниятларимизнинг ижобати бугун кўряпти. Бир умр бир-бирини авайлаб-ардоқлаб яшаган шундай инсонларнинг фарзанди бўлганимиздан фахрланамиз.

— Мен бахтлиман, — дейди Ахбор ака сўхбатимиз охирида гурурланиб. — Ўғилларим Аббор, Зафар, набирам Диёр футбол журналистикаси соҳасида баҳоли қудрат фаолият яраган бўлганмиздан фахрланамиз.

— Мен бахтлиман, — дейди Ахбор ака сўхбатимиз охирида гурурланиб. — Ўғилларим Аббор, Зафар, набирам Диёр футбол журналистикаси соҳасида баҳоли қудрат фаолият яраган бўлганмиздан фахрланамиз.



ЖОНСАРАК — тилимизда безовта, эсанкираган, саросимага тушган каби маъноларни англатган "жонсарак" сўзининг туб илдизи қизиқ мазмунга эга. "Жонсарак" сўзидаги "сарак" сўзи тилимиздаги "бошини сарак-сарак қилди" деган иборадан келиб чиққан. Дарҳақиқат, киши бошини сарак-сарак қилиш ҳолати ҳам ташвишланиш, афсусланиш, безовталиқ маъноларини англатади.

Жонпўлат ўглининг бундай безбетлигини кўриб, бошини сарак-сарак қилди.

Журналдан

Ҳар нарсадан ҳадиқсирайдиган, теваракка ожиз ва жонсарак қарайдиган янги жангчилар орасида у ўзини пихини ёрган хўроздай сезар эди.

Ойбек

ЯНВАРЬ — бу сўз тилимизга асли лотин тилидан кириб келган.

Қадим замонларда қуёш маъбудининг номи Янус бўлган. "Январ" сўзи айна шу маъбуднинг номидан келиб чиққан. Янги йил хисобида йилнинг биринчи ойининг номини ифодалаган бу сўзнинг илдижи жуда қадимийдир.

Январнинг биринчи кунини ҳаммаёқни оппоқ қор қоплади.

Журналдан

ЭЛЧИЛИК — тилимизда элда урф бўлган юмушларни амалга ошириш, уларга амал қилиш "элчилик" сўзи билан ифодиланади.

Мурод ўғлига танбех берди: "Абдурахмон бобонинг фотиҳасига ўтмабсан. Билиб қўй, элчилик қилмасанг, элга қўшилимайсан!"

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

Тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали шифокор, терапевт-кардиолог Гулмира МАДРАХИМОВА тавсиялари:

— Хафакон, яъни артериал гипертония юрак-қон томир касаллигининг энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Кузатувлар натижасида маълум бўлишича, бугунги кунда ҳар бешинчи одамдан бири қон босимининг ошишидан азият чекаркан. Асаб тизими юрак-қон томир фаолиятини бошқариши сабабли ҳар қандай руҳий зўриқиш ёки асабийлашиш гипертониянинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунингдек, бу ҳасталик ирсиятга ҳам боғлиқ. Буви-буваси ёки ота-онаси артериал гипертонияга чалинган инсонларда бу касалликка чалиниш хавфи юқори бўлади.

Юрак-қон томир тизимини қон тинмай айланадиган майда ва йирик томирлардан иборат доирага ўхшатиш мумкин. Юракдан сиқиб чиқарилган артериал қон артерия томирлари орқали барча тўқима ва аъзоларга тарқалиб, уларни озуқа моддалари ва кислород билан таъминлайди. Веноз қони вена томирларидан юракка қайтаркан, аъзолардаги ишланган моддаларни буйраклар ва тери орқали организмдан чиқариб юборади. Ўпка қонни углекислоталардан халос этади ва қон юракка тоза ва тўйинган ҳолда қайтиб келади. Токи инсон тиррик экан, бу жараён тўхтовсиз давом этаверади.

Тананинг барча қисмларига қон етиб бориши учун юракда ва артерия томирларида керакли босим ҳосил бўлади. Асаб тизими фаолияти бузилганда бу босим кучайиб, артерия томирлари девори тораяди. Улардан қонни ўтказиш учун юрак зўриқиш ишлаш бошлайди. Натижада артериал гипертония касаллиги юзага келади. Кучли босимга дош беролмаган томирлар шикастланиши натижасида гоҳ қалинлашиб, гоҳида қисқаради. Вақт ўтиши билан эса томирлар девори эгилувчанлигини йўқотиб, бирор аъзода қон қуйилишига олиб келиши мумкин. Гипертониянинг бошланғич даврида

вақти-вақти билан бош оғриғи, асабийлашиш, бош айланиши, хотира ва эслаб қолиш қобилиятининг пасайиши каби аломатлар юзага келади. Аммо кўпчилик бу нохуш ҳолатлар чарчоқдан деб ҳисоблаб, деярли эътибор бермайди. Вақтида ташхис қўйиб, муолажа қилинмаса, касаллик юрак, қон-томир, буйраклар, кўз ҳамда бош мия фаолиятига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа бошлайди. Натижада инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган инфаркт, инсульт, стенокардия, кўз нурунинг пасайиши, буйрак ишининг бузилиши, мияга қон қуйилиши каби касалликлар ривожланиши мумкин.

Гипертония эркакларда 35-50 ёшлар орасида, аёлларда эса климакс даврида кўпроқ учраши аниқланган. Кам ҳаракат қиладиган, ортқча вазнага бўлганлар, спиртли ичимликлар ва тамаки чекишга ружу қўйганлар спортчи ёки фаол жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганларга нисбатан 40


фоиз кўпроқ гипертонияга чалинади.

Қон босимини меъёрда ушлаб туриш учун ҳар кун тонгда ёки кечқурун пиёда юриш, сузиш, ярим соат давомида енгил жисмоний машқлар қилиш фойдали. Тўғри овқатланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хайвон ёғлари, колбаса, пишлоқ, дудланган ва консерва маҳсулотлари, тузламалар, майонез, кетчуп, ёғли гушт ҳамда ковурилган таомларни камайтириб, мева-сабзавотлар, шарбатлар, кўкатлар, қатиқ ва ёғсиз творог каби маҳсулотлар кўпроқ истеъмол қилинса, қондаги холестерин миқдори ошиб кетмайди.

Атрофдагиларга кенг феъл билан муносабатда бўлиб, руҳий мувозанатни сақлай олган, имкон борича асабийлашмай, тушқунликка тушмай, ҳар қандай масалани оғир-босиқлик билан ҳал этишга одатланган инсонлар бу ҳасталикка кам чалиниши мутахассислар томонидан аниқланган.

Барно МИРЗААХМЕДОВА
ёзиб олди.

ҚОН БОСИМИ НЕГА ОШАДИ?



Соғлигимиз — бойлигимиз

ҚАНДАЙ КЎЗОЙНАК ҚУЛАЙ?

— Имкони борича кўзойнақларни дуч келган жойдан эмас, балки оптика дўконларидан харид қилиш мақсадга мувофиқ, — дейди хусусий тадбиркор Шукрулло Назаров. — Бош мия босими баланд беморларга қуёшдан ҳимояловчи кўзойнақ тақиш тавсия этилади. Кўзойнақнинг ойнаси киприкка тегмаслиги лозим. Шунингдек, буруннинг тепа қисми оралиги 1-1,5 см. бўлиши, кулоққа ботиб турмаслиги керак. Акс ҳолда юз териси зиён кўриши мумкин.

Эндликда химоя кўзойнақларини ҳар бир одам ўз касбидан келиб чиққан ҳолда танлаш имконига эга. Уларни танлаётганда, аввало, ишлаб чиқарувчининг сертификати эътибор бериш керак. Агар сертификатнинг асллигига шубҳа бўлса, автоматик спектрометрдан фойдаланган маъқул. Одатда, кўзойнақлар савдоси билан шуғулланувчи махсус дўконларда бу асбоб бўлади.

Ойнаси керагидан ортқ қорайтирилган кўзойнақлар кўз қорачигининг кенгайишига сабаб бўлади. Сифатли кўзойнақларнинг филтърлари ультрабинафша нурларини тутиб қолса, қалбаки кўзойнақлар уларни ўтказиб юборди ва кўзни кўзойнақ тақмагандан кўра кўпроқ зарарлайди. Айниқса, ультрабинафша нурлар кўп жойларда, масалан, тоғларда бу жуда хавфли. Шу сабаб арзон ва қалбаки кўзойнақларни тақмаган маъқул.

Тошкент шаҳар, Бектемир туман марказий поликлиникаси окулисти Муҳаббат Собирова тавсиялари:

— Кўзни қуёшдан, чанг, шамолдан асраш учун химоя кўзойнақларини, албатта, тақиш лозим. Ультрабинаф-

ша нурларининг салбий таъсири терининг қорайиши, кўзларнинг чарчасида сезилади. Шу боис ота-оналаримиз болаларни офтоб уришидан сақлаши, айниқса, кўп вақтларини очик ҳавода қуёш остида ўтказадиган болаларга эътиборлироқ бўлиши керак. Чунки боланинг кўз гавхарни ультрабинафша ва ўзга қўрунувчи қисқатўлқинли нурларни нисбатан кўпроқ ўтказиши билан улар йиғилиб бориб, болалар улғайганида кўз касалликлари юзага келишига сабаб бўлади.

Глаукома касаллигида яшил кўзойнақлар тақиш тавсия этилади. Ушбу кўзойнақ кўзда қон босими ошиб кетмаслигининг олдини олади. Чилангарлар ўта иссиқ ҳароратдан химояловчи кўзойнақ тақишади. Бундай кўзойнақлар билан қуёш тутилишини ҳам кўриш мумкин.

Мунтазам компьютерда ёки қуёш нурлари остида ишлайдиганлар албатта химоя кўзойнақларини тақишлари керак. Хайдовчилар ҳам кечаси чирокларга қарши махсус кўзойнақлардан фойдалангани маъқул, акс ҳолда рўпарадан келаётган машина чирогининг нури кўриш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аксарият хайдовчилар ҳаво иссиқ пайтида машина ойналарини очиб, елваздақа юришади. Бу ҳам кўз учун зарарли.

Ультрабинафша нурларидан ташқари кўзга чанг тушиши натижасида ҳам конъюнктивит, кератит касалликлари келиб чиқади. Шу боис нафақат қуёшли дамларда, балки, чангтўзон пайтида, қорли кунларда ҳам кўзойнақ тақиш тавсия этилади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади.



Биласизми?

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Хурматли Салимбоев Абдумутал ака ҳамда Тоҳирон ая!

Сизларни таваллуд айёмларингиз билан табриклаймиз. Узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Фарзандларингиз ва яқинларингиз номидан Абдуқодир ака.

Қадри Солижон ака Юнусалиев!

Сизни 55 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Барча яқинларингиз бахтига соғ-омон бўлинг.

Яқинлари номидан Собиржон, Сорахон, Абдуқодир ака.

Азиз отажонимиз Абдуқаҳҳор Салимбоев!

Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий табриклаймиз. Амангиз билан бахтли ҳаёт кечириб, бизларни роҳатимизни кўриб юринг.

Фарзандларингиз. Бекобод тумани.



РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 оий амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ойи ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макиаж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тиқиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелация — 1 ой
Каштачилик — 3 ой (машинадада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо кути ва саватлар ясаш — 1 ой
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. **МУЎЛЖАЛ:** Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. **МУЎЛЖАЛ:** Қўйлик кийим бозори рўпарасида. **ТЕЛ:** (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

ҲИКМАТЛАР

Дунёдаги энг фойдали ва эскирмас дори — отанинг қаттиққўлиги.

Эпиктет.

Ҳашаротни ўлдиришда айбдор топилган фарзандингни қаттиқ жазола, чунки одамни ҳам ўлдирш шундан бошланади.

Пифагор.

ЭЪЛОН!

Мухамедова Вазира Халиковна номига 11.12.2013 йилда берилган O'zR № 005387 серия рақамли шаҳар транспортида бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Гарчи аллақачон атрофни қоронғилик чуллаган, дўконидан харидорларнинг оёғи тинган бўлса-да, Нодир ҳамон бир нуқтага тикилганча ўй суриб ўтирарди. Уйига бориб, онасининг қайғули нигоҳига, рафикасининг йилдан йилга кетган кўзларига дуч келишдан юраги безилларди. Шу кунларда у ўзини кўйишга жой тополмаётган эди. Охириги бир йил давомидаги қилмишларини ўйласа, ич-ичидан бир надомат отилиб кетар, онаси, рафикаси ва қизи олдидаги айбдорлик ҳисси уни аёвсиз азоблай бошларди.

Унинг кўзи жуда кеч очилганди...

Ўша куни дўконни эртaroқ ёпди. Автобус кутишга сабри чидамай, машина тўхтатиб, бир зумда уйига етиб келди. Дарахт тагидаги супада кўрпача қапиб ўтирган онасига шоша-пиша салом бериб ўтиб кетмоқчи эди, аммо онаси уни тўхтатиб қолди. "Болам, қара-я, кўнглинг сезгандай эртaroқ келибсан. Мунисанинг бироз мазаси бўлмай турибди. Насиба билан дарров дўхтирга олиб боришлар", деди Мавлуда ая.

"Оббо, ҳозир шу ташвиш етмай турганди", деган ўйда Нодир гижиниб, ўзининг хонасига кириб кетди. Компьютерни ёқиб, ижтимоий тармоқдаги профилини очди. Хар кунгидек, қаторлашиб, табассумли бўса ҳадя қилаётган смайлларни кўриб кайфияти чоғ бўлди. "Дўстлари" ёзган беҳаё мактубларга улардан ҳам ўтказиб жавоб ёза бошлади.

Насиба эшикдан кириб келганида у аллақачон "виртуал муҳаббат" оламига ғарқ бўлганди. Хотинининг Муниса ҳақида айтган хавотирли гап-сўзлари ҳам қулоғига кирмади.

— Дадаси, қизингизнинг иситмаси тушмаяпти, ҳеч бўлмаса "Тез ёрдам"ни чақирайлик, — деди Насиба ёлворгудек бўлиб.

Нодир унга ўгирилиб қараганида хотини унинг кўзига жуда кўримсиз ва хунуқдек кўриниб кетди. "Шу билан қандай яшаб юрибман-а", деган ўй ўтди хаёлидан. "Булар эса бошқа масала, ҳаммаси қўлиб туради, бири-биридан чиройли. Гап-сўзларини айтмайсизми, одамни мойдек эритади-я..."

— Иситмаси тушмаса, ана, дори-хонага чиқиб кел. Бўлмаса дўхтир чақир. Энди сенга бола боқиниям ўргатишим керакми?! — ўшқирди у, сўнг хотинига "чиқиб кет", дегандек қўл силтатди.

Ярим тунгача компьютер экранидан кўз узмай ўтиргани учун, эрталаб аранг уйкудан турди. Хаёлида кечаги виртуал суҳбатлар қайта жонланиб, мамнун илжайди. Ховлига чиққанида онаси одатдагидек яна сўрида ўтирарди.

— Болам, бир пиёлагина чой ичиб кетмайсанми?

— Соат ўн бирга яқинлашибди. Эрталабки савдо ўтиб кетгандир, — Нодир шундай дея кўчага чиқди.

Тўшга яқинлашганда дўконига қизчасини етаклаб кирган харидорлардан бирини кўриб, Мунисанинг тоби йўқлиги эсига тушди. "Эрталаб сўрамабман ҳам, яхши бўлиб қолдимикан", деб ўйлади. Шу пайт яна кечқурунги виртуал суҳбатлар эсига

— Жаҳлга жаҳл билан жавоб бермаслик лозим. Яхши-си, мунозарани бир дамга кечиктириш, бунинг иложи бўлмаса, ичкаридан кўра тоза ҳаволи ташқари жойда гаплашган маъқул. Негаки, табиат кўйида асаб тизими осойлик билан осойишта ҳолатга келади;

— келишмовчиликка дахлсиз нарсаларни, шунингдек, ўтмишни эсласандан, фақат айнан шу ҳолга сабаб бўлган воқеа устида гапириш лозим;

— овозни кўтармасдан, эҳтиросларни жилволашга ҳаракат қилиш зарур. (айниқса, кўчада ёки ўзга кишилар олдида мунозаралашиб қолганда);

тушиб, телефонидан интернетга уланди ва кириб-чиқаётган харидорларга ҳам унчалик эътибор бермай, яна "дўстлари" билан мулоқотга киришиб кетди. Айниқса, уни янги бир "дўсти" жуда ажабтовур мактублар, беҳаё расмлар билан "сыйлаётганди".

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Мунисанинг гоҳ иситмаси кўтарилар, гоҳ яна яхши бўлиб қоларди. Насиба кундан-кунга



қизининг ранги сарғайиб бораётганини айтса ҳам Нодир бунга асло парво қилмасди. Кунлар кетидан ойлор ўтгани сайин у ўзи кашф қилган янги ҳаёт тарзига муқасидан кетиб борарди. У бу "олам" учун ўзини жуда керакли инсон, деб ҳисоблар, куни бўйи йиғилиб қолган соғинчи мактублар уни рағбатлантирарди.

Ана шундай кунларнинг бирида дўкондан қайтиб, онасининг бир ўзи мунғайиб ўтиргани устидан чиқди. "Қизингни касалхонага ётқиздик. Насиба телефон қилиб сен билан боғлана олмади. Мунисанинг аҳоли оғир. Қудаларим барака топишин, ўзлари келиб, машинада олиб кетишди. Фалокатни кўрмайсанми, сариқ касалига йўлиқибди, набирам боқяш", деди онаси. Бу гапларга эътибор бериб-бермай Нодир яна ўзининг хонасига ошдик. Орадан анча вақт ўтгач, дераза оша онасининг: "Вой тавба, бу нима ўтириш? Болангни кўриб келмайсанми? Дори-дармонларидан хабар ол. Кичкиннангни қайнотанг уйига олиб кетувди. Кўнғироқ қилиб хол-аҳвол сўрасанг-чи", деган овози эшитилди.

— Ойи, ҳозир ўлгудек чарчадим, мени бирпас ўз ҳолимга қўйинг, — тунд қиёфада жавоб қайтарди Нодир.

— Менга қара, болангдан ҳам шу матоҳинг ўлгур шунчалар азизми?

Онаси куюниб гапира-гапира чиқиб кетди. Нодир эса шу ондаёқ ҳамма нарсани унутди. Негаки экранда "севимли дўсти" унга табассумли бўса ҳадя қилаётган эди. "Интернетим узилиб қолади, янги "пакет" тишим учун менга пул ўтказиб юборинг", деган ёзуви ўқиб, "Ҳозирми?", деб сўради. "Бўлмаса, бу кеча сиз билан гаплашолмаймиз", деган жавоб келди. Шоша-пиша ўрнидан туриб, кўчага отилди. "Дўсти"нинг интернет учун мослаштирилган мобил телефон рақамига каттагина суммани ўтказиб берди. "Ана энди бир-икки ҳафта бемалол ёзишиб турсак бўлади", деб ўйлади хотиржам тортиб.

Уйига қираётганида онаси уни хавотирли қиёфада қарши олди ва "Қизингни иситмаси тушмаётган экан,

Юзига тушган шапалоқ Насибани ерга қулатди. Бундай ҳаётдан тўйиб кетган аёл ўрнидан тура солиб, бақира бошлади:

— Сезиб юрибман ҳаммасини, сиз кўз ўнгимда менга хиёнат қилаяпсиз. Манави интернет орқали келаётган беҳаё сўзлар сизни эсдан оғдириятти.

— Сенга уйланиб, нима хузур кўрдим? Ўттизга кирмай сочларинг оқаряпти, бир марта бўлса ҳам эгингга ярашадиган кийим кийганисан? Интернетдаги "дўст"ларимдан меҳр топа-яман. Ҳатто ўзларига яқин олиб, мен истаганимча расмларга тушиб жўнатишади. Куни бўйи ишласам, уйга келиб сенинг туркингни томоша қилиб ўтиргандан кўра, уларим билан вақтимни мароқли ўтказганим яхши.

Эрининг гапларидан Насибанинг танасига муз югурди. Узининг бу уйда қадрсиз бўлиб қолганини англаб ҳўнграб йилгаб юборди. Тили гапга айланмай қолди.

Эртасига Мунисани яна касалхонага олиб кетишди. Нодир ўша куни Насибанинг уйда йўқлиги учун ич-ичидан қувонмоқда эди. Ахир, хотини унинг интернетдаги тунги ёзишмаларига ҳалқат берибди-да... Бир йил давомида боғланиб қолгани, "севимли дўсти"нинг телефон рақамига катта суммада пул ўтказган. Бу маблағ билан у анча вақт мирқиб ёзишмалар олиб бориш истагиде эди. Уйга келиши билан яна компьютер рўпарасига ўтирди. Аммо "севимли дўсти"ни тополмади. У Нодирни профилидан ўчириб ташлаган эди... Бир зум қараёт бўлиб турган, "дўсти"нинг рақамига кўнғироқ қилишга уринди. Аммо боғланиш имкони бўлмади.

Эртасига куни билан катта бир йўқотишга учраган одамдек гангиб юрди. Тушдан кейин онаси кўнғироқ қилиб, қайғули хабарни етказди: Муниса, унинг жажжи қизалоғи... Нодир қизалоғининг қиёфасини хаёлида жонлантиришга уринди. Аммо сўнги бир йил давомида унинг қандай жилмайгани, нималар ҳақида сўзлаганини асло эслаб олмади. Шундагина виртуал оламга ҳақиқий ҳаётини алмашиб қўйганини англаб етди. Афсуски, энди вақтни ортга қайтариб бўлмасди...

Барно МИРОДИЛ қизи.

ДОКА РЎМОЛ ҚУРИГУНЧА

Оилада тотувликни асраш ҳақида психологик маслаҳатлар

— масалани таҳлил қилган-да эр ҳам, хотин ҳам ўз айби-га иқдор бўлиши аини муддаодир.

— мунозарани жанжалга айлантириб юбормаслик керак. Чунки мунозарадан низо сабаблари биргаллашиб қидирилади. Жанжалда эса ҳар бир томон бир-бирининг нозик жойларини топиб, шунга ургу берадилар;

— албатта, оила томонлар курашадиган ёки футбол майдони эмас, шунинг учун оилавий ҳаётда ён босиш фойдалироқ бўлади;

— умр йўлдошининг ота-оналари ёки қариндошлари ҳақида ҳурматсизлик билан эмас, балки илоҳи борича эҳтиром билан гапириш эр-хотин муносабатини яхшилайди;

— мунозара ва жанжалдан кейин гаплашмай аразлаб юриш ёмон одат саналади, бунинг оқибати яхшиликка олиб келмайди;

— Ишдан чарчаб келган ёки қорни очқаб турган одам билан ҳеч вақт мунозарарага киришиш тавсия этилмайди. Бундай ҳолларда одам ҳатто

асосли танбеҳ ва танқиддан ҳам тутақиб кетиши мумкин;

— иборали айтганда, тутган ерини кесиш, бақириб-чақириб аёл кишига ярашмайди. Бундай муомала, одатда, эркакларга ҳос, дейиш мумкин;

— аёллик хислати уларнинг эркакларга нисбатан заифлигида, нозик ва латиблигида, шунингдек, айёрликка мойиллиги, кўнглинчаллигидадир;

— мунозара ва жанжалларда узил-кесил қатъий хулосалар чиқаришга ошқамаслик, ўйлаб кўриш керак.

Мулоҳаза

— умр йўлдошининг кунлик, ойлик, балки йиллик цикл ҳолатини ва ёш ҳусусиятини ҳисобга олмақ жоиз.

— турмуш ўртоғининг ҳаётий қадриятларига (агар оила манфаатига зид бўлмаса) қарши чиқмаслик лозим. Акс ҳолда, у ё сизнинг, ё ўзининг ҳаётий талабларини танлашга мажбур бўлади. Қайси бирини танлашдан қатъи назар, у ҳам, сиз ҳам ютқазасиз.

Муҳаббат НОРҚОБИЛОВА,
2-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси,
психолог.



СУДЛАНГАН ЖОНИВОРЛАР

Ўрта асрларда жониворлар устидан суд жараёни олиб боришга оддий иш деб қаралган. Ҳайвонларнинг туркуми, тури, жинси, вазифаси ёки хизматларидан қатъи назар, номаъқул қилмишлари учун ўрнатилган тартибда жазоланишган.

Масалан, 1120 йилда Францияда довларни еб қўйганликлари учун дала сичқонлари судга топширилган. XIV асрда эса Швейцариянинг Кура шаҳарчаси судига оқ чувалчанглар устидан шикоят хати келиб тушган. Бироқ, чувалчанглар судга келишмаган ва суд жараёни уларнинг иштирокида олиб боришга қарор қилинган. Унда чувалчангларнинг жонли мавжудот эканлиги, табиат неъматларидан баҳраманд бўлишга ҳаққи борлигини эътиборга олинган ва ҳеч кимга зарар етказмасдан, эркин яшашлари учун уларга олис ўрмон бағридан етарлича майдон ажратиб берилган.

1313 йилда Францияда дарғазаб буқа бир одамни шохлаб, майиб қилган. Маҳаллий суд буқани айбдор деб топиб, ўлим жазосини белгилаган ва уни дорга осибди.

Француз адвокати Бартолми-Шансонне каламуш ва сичқонлар ҳимоячиси сифатида танилган эди. 1480 йилда у ўз ҳимоясидаги жониворларнинг суд мажлисига келолмаганига уларнинг кенг далаларда тарқоқ яшашини, шу боис суд қақирувидан беҳабар эканлигини сабаб қилиб кўрсатган. Бунинг устига битта сичқон учун бутун жониворлар тўдасини эмас, айнан ўша айбдор сичқонни топиб жазолаш кераклигини талаб қилган. Бундай оташин нутқдан кейин бу иш ёпилган.

1545 йили Франциянинг Сан-Жан-де-Мольен шаҳрида узумзорни пайҳон қилган чигирткалар суд қилинган. Суд йиғилишида икки адвокат иштирок этган. Бири шаҳар аҳолисини, бошқаси эса ҳашаротларни ҳимоя қилишган. Бироқ, ҳукм эълон қилинмай қолган. Чунки, кутилмаганда чигирткалар йўқолиб қолганди. Қарорни ўқиб эшиттириш зараркундаларнинг кейинги гал пайдо бўлишига қолдирилган.

Жониворлар устидан суд жараёни ХХ асрда ҳам ўтказилган. 1963 йили Триполи шаҳрида 75 та почта кабутарлари ўлим жазосига ҳукм қилинган. Контрабандачилар улардан валюталарни чегарадан олиб ўтиш учун фойдаланишган. Суд бу кушлар ҳақида «ўта хавфли ва яхши машқ қилишган» деган қарорга келган.

Яна шундай ҳолатлар кузатишганки, нафақат жониворлар, балки, ўсимликларни ҳам суд қилишган. Масалан, француз кироли Генрих IV ҳукмиронлиги даврида, ковун суд олдидан жавоб берган. Бу полиз маҳсулоти жудаям нуфузли бир шахснинг соғлиғига зарар етказган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг”

саҳифаси

ҒИЙБАТЧИНИНГ КАСРИ

Биз оилада икки қизимиз. Минг шукурки, менинг турмушим ҳавас қилгулик даражада. Синглим Мунира 12 йилдан бери тикувчилик цехида ишлайди. Озодалиги, ширинсуханлиги боис ҳамма билан тил топишиб кетган. Беш йил аввал синглим билан бирга ишлайдиган Ҳалима опа уни ўғлига келин қилиш ниятида уйимизга совчи бўлиб келди. Икки тараф бир-бирига маъқул келиб, тўй кунини ҳам белгилади. Кутилмаганда, тўйга бир ҳафта қолганда Ҳалима кудамиз онамга телефон қилиб, осмондан тушгандек, тўй қолдирилганини айтибди. Бу хабарни эшитган дадамнинг қон босими охиб ётиб қолди. Энг ёмони, қуда

тараф ҳеч қандай сабаб-баҳонасиз синглимнинг фотихасини бузгани бизларга жуда алам қилди, кўни-қўшнилари, маҳалла-қўй олдидан изза бўлди. Кейин эшитсак, ён қўшнимиз, нукул ҳаммани ғийбат қилиб юрадиган хотин синглимни роса ёмонлаган экан. Ўртада Мунирага қийин бўлди, фотихаси бузилган, деган гап чиққани боис оиласидан ажрашган, ёши катталардан совчилар келди. Синглимнинг ҳам кўнгли синик, нима қилсин, дарди ичида. Мунира ҳозир **28 ёшда**. Қўли гул тикувчи. Тошкентда яшайдиган, 35 ёшгача бўлган, иши ва уй-жойи тайин, мустаҳкам оила қуриш ниятида юрган йигитлар бўлса, синглимни узатардик.

МАҲФУЗА,
Тошкент шаҳри.

ЎЗ УЙИ БЎЛСА ЯХШИЙДИ

Қиз узатиш ёки ўғил уйлантириш ниятида юрганлар, қуда тарафининг авлод-аждодини, яшаш шароитини ҳамда оиладаги муҳитни албатта олдиндан сўраб-суриштиради. Биз ҳам қизим Наимани узатаётганда қудаларимизни суриштирдик. Маҳалладошлари яхши гапларни айтишди. Аммо тўйдан кейин қизим келин бўлиб тушган хонадон эгаларининг қариндош-уруғлар билан ўзаро муносабати ёмонлиги маълум бўлди. Ҳатто қайнотасининг уч нафар ака-укалари бир-бирлари билан юзқўрмас бўлиб кетишганини эшитгач, бундай муносабатлар унинг тақдирига ҳам раҳна солмасмикан, деб хавотирга туша бошладик. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, хавотирларимиз ўринли бўлиб чиқди. Қудаларим арзимаган сабабларни рўқач қилиб низо чиқарди. Қизимнинг ҳомиладорлик вақти ҳам, фарзанди туғилгач, “чилла” даври ҳам кўз ёши тўкиш билан ўтди. Наима ўша уйда тиниб-тинчиб кетсин деб, байрамларда ҳамда туғилган кунларда ҳам совға-саломларни ташийвердик. Бироқ, бир кун қизим юз кўзлари қўқарган ҳолда уйга кириб келди ва эрининг калтақлашидан қочиб, ҳатто боласини ҳам ололмаганини айтди. Унинг бундай ҳўрланишларига қараб тура олмаган эрим қудамизниқига бориб набирамизни олиб келди. Куёвимиз инсофга кириб қолармикан, деб олти ой кутдик. Аммо у шу орада қизим билан расман ажрашмасдан туриб, бошқага уйланиганини эшитгач, судга ариза бердик. 7 йилдан бери ёлғиз яшаётган қизимнинг ўғли ҳозир иккинчи синфда ўқийди. Ўтган йиллар ичида бир неча жойдан сўраб келишди, негандир кўнгли чопмадимми, розилик бермади. Энди биз — чолкамбир анча қариб қолдик. Барибир бировнинг қўлига қараб яшаш оғирлик қилади. Шунинг учун яқинда ўзи қўлимга “Оила ва жамият”ни тутқазиб, “Шу газета кўмагида қўллар бахтини топиб кетаётган экан, мен хат ёзсам уят бўлади, сиз мурожаат қилин” деди. Сездим, ёлғизлик, боласини отасиз ўсаётгани унга таъсир қилибди. Наима **29 ёшда**. Пишириқлар ишлаб чиқарадиган цехда ишлайди. Самарқанд вилоятида яшовчи, уй-жойи, касби-кори тайин инсон бўлса узатамиз.

ШОҲИДА опа,
Самарқанд шаҳри.

БОЛАЛАРГА МЕҲР КЕРАК

Укам Азамат билан келинимиз Саодат 14 йил ахил-иноқ ҳаёт кечиришди. Уч нафар фарзандлик бўлишди. Аммо... Бундан икки йил муқаддам келинимиз юрак хасталиги туфайли вафот этди. Қудаларимиз жиянларимни олиб кетмоқчи бўлишди. Укам эса: “Буларсиз менга ҳаёт йўқ, аёлимдан қолган ёдгорларимни қандай қилиб бераман”, деб кўнмади. Ҳозир болаларга онам қараяпти. Аммо уларга бувисидан кўра, она меҳри муҳимроқ. Шу сабаб маслаҳатлашиб, Азаматга уйланиши лозимлигини тушунирдик. Фарзандларига оналик қила оладиган аёл учраса, укам уйланоқчи. Азамат **37 ёшда**. Муносиб номзодлар бўлса, илтимос, овоз беринг.

АЗИЗ ака,
Жиззах вилояти.

ЕГАНИН ОШ ДЕМАНГ...

Опамнинг ёлғиз қизи Турсуннинг икки фарзанди бор. Турмуш ўртоғи билан ажрашганига ўн йилдан ошди. Ҳеч ким ёлғизликка гирифтор бўлмасин-да. Гарчи бировга ёмонлиги йўқ, ишига тўғри бориб келаётган бўлса ҳам, маҳалламиздаги озгина кучи етмайдиган айрим кимсалар у ҳақда турли бўхтонларни тарқатиб юрибди. Бу гап-сўзлар жиянимни жуда толиқтирди. “Турмушга чиқсам, бу каби бемаъни гапларга чек қўйилармиди”, деб тунов кун олдимга маслаҳатга келибди. Шу сабаб сизларга мурожаат қиляпман. **Жияним 36 ёшда**. Дўконда сотувчи бўлиб ишлайди. Турмушдан ажраган, уй-жойи йигитлар учраса, манзилимизни беринг.

ҲИДОЯТ хола,
Бухоро вилояти.

НИЯТИ ТАМАГИРЛИК ЭКАН

Бундан икки йил аввал онам оғир дард билан дунёдан кўз юмдилар. Шундан сўнг отам жуда мунгайиб қолди. Акаларим, аммаларим билан маслаҳатлашиб, отамни уйлантиришга келишиб олдик ва амманнинг қўшниси Зилола исми аёлга совчи юбордик. У ҳам ўз шартини айтди: “Бир қизимни чиқарганман, ўғлим акамнинг қарамоғида, агар отангизнинг уйини менинг номимга расмийлаштириб берсангиз розиман”. Гарчи бу шарт бизларга эриш туюлган бўлса-да, отамнинг иссиқ-совуғига қараб ўтирса, ҳеч нарсадан кам қилмаймиз, деган ниятда рози бўлдик. Бу ҳақда отамга айтганимизда, у киши ҳам: “Майли, аввал рўйхатга киритайлик, агар отангизнинг уйини менинг номимга расмийлаштириб берсангиз розиман”. Гарчи бу шарт бизларга эриш туюлган бўлса-да, отамнинг иссиқ-совуғига қараб ўтирса, ҳеч нарсадан кам қилмаймиз, деган ниятда рози бўлдик. Бу ҳақда отамга айтганимизда, у киши ҳам: “Майли, аввал рўйхатга киритайлик, агар отангизнинг уйини менинг номимга расмийлаштириб берсангиз розиман”. Гарчи бу шарт бизларга эриш туюлган бўлса-да, отамнинг иссиқ-совуғига қараб ўтирса, ҳеч нарсадан кам қилмаймиз, деган ниятда рози бўлдик. Бу ҳақда отамга айтганимизда, у киши ҳам: “Майли, аввал рўйхатга киритайлик, агар отангизнинг уйини менинг номимга расмийлаштириб берсангиз розиман”.

Орадан бир ҳафта ўтгач, дадамни кўриш баҳонасида уйимизга келсам, ичкаридаги даҳанаки жанжални эшитиб қолдим: “Уйни сотасиз, вассалом, бўлмаса, кўрсатиб қўяман сизга, мен яқинда ўғлимни уйлантиришим керак, битта акамнинг кучи етмайди”. Остонада турибману, на киришга, на қайтишга юрагим бетлади. Ниҳоят, жаҳл билан: “Энди билдим, сизнинг мақсадингиз бутунлай бошқа, яъни отамни талаш, бор-йўғини совуриш экан, қани, ҳозирроқ уйдан чиқиб кетинг-чи, бўлмаса ички ишларга кўнгириқ қиламан”, деганимдан кейингина қилиб кетди. Шундан бери отамнинг юраги безиллаб қолган. Лекин, ёлғизлик ярашмайди. Шунинг учун 55 ёшгача бўлган, меҳрибон, отамни ардоқлайдиган аёл бўлса, бизга хабар беринг. Фарзандлари бўлса ҳам майли, ўзимиз қарашамиз.

МУХЛИСА,
Наманган вилояти.

БОЛАГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ!

Бугун юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликларнинг замирида ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказиш мақсади мужжасам. Бу борада кўплаб шароитлар, имтиёзлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бирок, бу имкониятлардан унумли фойдалиш ўрнига вақтини ҳавога соураётган ёшлар ҳам орамизда учраб тургани ачинарли.

Яқинда иш юзасидан бир интернет-кафега киришимга тўғри келди. Барча компьютерлар банд. "Бироз кутинг, ҳозир бўшаб қолади", деди ёшгина йигит. Компьютер қаршисида аста разм солиб қарадим. Афсуски, 7 ёшдан 15-20 ёшгача бўлган бу қизиқувчиларнинг аксарияти билимларини ошириш мақсадида эмас, турли виртуал ўйинларга муккасидан кетиб, экранга термилиб ўтиришарди. Гоҳида: Кимдир "Отдим, ўлдирдим!", деса, яна бири, "Ҳали кўлимга тушасан, каллангни олиб ташламасамми", деб дағдаға қиларди. Болалар бу сўзларни шунчалик бепарво ва совуққонлик билан айтишардики, бу ҳолат мени ташвишга солмай қўймади. Компьютерга яқинроқ келиб қарасам, етти яшар болақай отишма ўйнаб ўтирган экан.

— Бу қанақа ўйин, — деб сўрадим ундан.

— Зўр ўйин. Аскарларни ўлдирасиз. Улар қонга беланиб, йиқилади. Бу шундай завқлики, тасаввур ҳам қилолмайсиз...

— Буни ўзинг ўйнасанми?
— Ана акам ўтирибди, ўртоқларим ҳам бор. Ким ютказса, ўша пулини тўлайди-да.
— Пулни қаердан оласан?
— Йиғаман. Ойим тушлик учун



ОГОҲЛИК



беради, мен йиғиб-йиғиб шу ерга келаман.

Жажжигина болақайга ачиндим. Афсуски, айна билим олиш ёшидаги бундай ўсмирлар, емоқ-ичмоқдан ўзини тийиб, мана шундай бемаъни ўйинлардаги бузғунчи гоёлар билан ўз онгини заҳарлаётганини билишмайди-да...

Бир кунни ота-оналар мажлисида яхши ўқийдиган, намунали ўқувчимизнинг онаси ҳасрат қилди: "Дадаси компьютер олиб берганидан буён ўғлимнинг ўқишга бўлган меҳри сусайиб кетди. Анча бад-жаҳл, серзарда бўлиб қолган. Агар

қўйиб берсангиз, эртадан-кечгача компьютер олдида қимирламай ўтиради. Дарсларингни қилсанг-чи, десам: "Бунча қолақ фикрлайсиз, ҳозир ҳамма нарса электронлашиб кетган, компьютерда дарсларимни бажариб қўйганман. Мен билан ишингиз бўлмасин", деб жавоб берди. Хайрон қолдим. Уйда шароитимиз жуда яхши. Унинг бирдан терс бўлиб қолгани сабабини бил-лолмаяман. Дадаси бу ўзгаришларни унинг улғайишидаги ўтиш даврига йўймоқда. Бирок, бу ерда бошқа гап бордек".

Она ҳақ эди. Бу ерда жиддий ҳавотир бор. Болани шундай тош юрак ва ҳиссиз инсонга айлантираётган восита — бу техника эди. Назаримда, айрим ўсмирлар тенгдошларида "ортада қолмаслик" учунгина тақлидга зўр бераптилар. Биз катталар эса замондан ортда қолишдан чўчиб, таъсирлироқ бир нима, дейишдан тийилиб юрибмиз. Унинг оқибати жуда аянчли бўлишини-да, яхши биламиз. Агар ҳозир хушёр, зийрак бўлмасак, компьютер ўйинлари фарзандларимизнинг болалигини ўғирлаб, уларнинг олтинга тенг вақтини "ямламай ютаверади".

Бундай ҳолатларга бепарво, томошабин бўлиб ўтириш ярамайди. Шу боис тарбияни ташкиллаштириш мақсадида мамлакатимизда оммалашаётган "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлигидаги ишлар ниянада мустақамлаш, ўқитувчи, ота-она ва маҳалла фаоллари ҳамма ҳамжихат, ҳамкорликда иш олиб бориши, мақсадга мувофиқдир.

Мунира ТОШОВА,
Бухоро маданият коллежининг
ҳуқуқ фани ўқитувчиси.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ТУРНИР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда ўтказилётган Георгий Агзамов хотира турнири Тўртинчи турида ФИДЕ устаси Нодирбек Абдусатторов грузиялик халқаро гротсмейстер Михаил Мчедишвилига ютқазиб, етакчиликини бой бериб қўйди.

Жаҳон чемпиони Н. Абдусатторов уч турда халқаро гротсмейстерлар Андрей Жигалко (Беларусь, 2600), Рустам Хуснутдинов (Козогистон, 2495) ва россиялик халқаро тоифадаги спорт устаси Станислав Михеев (2261)лар устидан галаба қозониб, биринчиликини ўз қўлига олган эди.

Энди эса Мчедишвили билан россиялик Павел Смирновлар 4 очко билан айна дамда мусобақалар пешқадамига айланишди. Уларни 3,5 очко билан 6 гротсмейстер таъқиб қилмоқда.

ВАН ГАЛ «МЮ»ДА, ЭНРИКЕ «БАРСЕЛОНА»ДА

Голландиялик мутахассис Луи ван Гал расман "Манчестер Юнайтед" жамоаси бош мураббийи этиб тайинланди. Бу ҳақида "қизил иблислар" расмий сайти хабар қилди.

Ван Гал ҳозирда Голландия терма жамоасининг бош мураббийи ҳисобланади. Аввалроқ у терма жамоа билан Жаҳон чемпионатида қандай натижа қайд этилишидан қатъи назар, термадан кетишини айтиб ўтганди.

Испаниянинг «Сельта» жамоасини бошқариб келган таниқли собиқ футболчи Луис Энрике эса «Барселона» клуби бош мураббийи этиб тайинланди.

44 ёшли испаниялик мутахассис билан келишув икки мавсумга мўлжалланган. Мураббийнинг биринчи матбуот-анжумани бугун бўлиб ўтади.

**Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

ГАРОВГА ОЛИБ ҚОЛИНМАЙДИ

Бозорда кимматбаҳо кийимни савдолашаётган киз сотувчига уни ойисига кийдириб кўриши учун гаров эвазига уйга бериб юборишини сўради ва "ишонмасангиз, паспортимни қолдириб кетаман", деди. Паспортни гаровга қолдириш мумкинми?

С. Акбарова.



Президентимизнинг 1999 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги Низом"нинг 23-бандига асосан: "Ушбу Низомнинг 22-бандида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини олиб қўйиш, шунингдек паспортни гаровга ёки бошқа мажбуриятларни таъминлаш мақсадида қолдириш ва олиб қолиш тақиқланади."

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 223-моддасида белгиланишича:

"Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, худди шунингдек вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уларнинг паспортларини гаровга олиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади."

**Саволга Нуробод туман ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиғи,
сержант Зафар ЮСУПОВ жавоб берди.**

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

ВНИМАНИЕ, СКИДКИ!

Дом для Вас и Вашей семьи!



SIMPLEX

(+ 99890)

168 49 23

(+ 99871)

279 27 77

+ Бонус - ГАРАЖ

КВАРТИРЫ ИЗ ПЕРВЫХ РУК!

СНИЖЕННЫЕ ЦЕНЫ НА КВАРТИРЫ.

СТОИМОСТЬ 1 м² - 1 400 000 - 2 400 000 СУМ.

СПЕШИТЕ! СРОК СКИДОК И КОЛИЧЕСТВО

КВАРТИР ОГРАНИЧЕНЫ.

**ПРИНИМАЕМ ЗАКАЗЫ НА СТРОИТЕЛЬСТВО ЖИЛЫХ,
ОБЩЕСТВЕННЫХ И ДР. ЗДАНИЙ.**

Ф./с. - любая.

услуги лицензированы

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00.

ISSN 2010-7609



**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Набатчи муҳаррир — Дилором **МАТКАРИМОВА**

Саҳифаловчи — Илҳом **ЖУМАНОВ**

Мусаҳҳихлар — Саидғани **САЙДАЛИМОВ,**
Мадина **АЛЛАБЕРГАНОВА**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г - 538. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади - 9731. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176

Қабулхона: (тел-факс) **233-28-20**

Котибият: **233-04-35, 234-76-08**

Мухбирлар: **233-04-50**

«Оила» бўлими: **234-25-46**

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5